

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЙДА БЕЗОРИЛИК ХУҚУҚБУЗАРЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ

Болтамуратов Файзулла Сапарбай ўғли

ИИБ Академияси 3-ўқув курси,

318 гуруҳ курсанти.

Аннотация. Мақолада, профилактика инспекторларининг майда безорилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятининг тушунчаси, ушбу фаолиятни ташкил этиш тартиби ва асослари, ушбу фаолиятнинг бугунги кундаги ҳолати, шунингдек уни такомиллаштириш йўналишлари юзасидан таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: майда безорилик, жамоат тартиби, тажовуз, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, таъсир чораси, ижтимоий ҳимоя, руҳий таъсир, жисмоний зўрлик ишлатиш, ҳимояланиш чоралари.

Бугунги кунда профилактика инспекторининг жамоат жойларида безориликни олдини олишга доир фаолияти жамиятимиздаги энг долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки, жамоат тартиби бузилиши натижасида юзага келадиган оммавий тартибсизликлар ниҳоятда оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Қолаверса, кейинги кунларда тобора кучайиб бораётган безорилик жиноятлари барқарор вазиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмаябди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда хавфсизлик масаласи бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим муоммалардан бири бўлиб турибди.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш Ички ишлар Органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган комплекс тадбирлар ва режаларни узлуксиз амалга ошириш имкониятига эга бўлган, фуқароларимизнинг ҳаёт тарзи, маънавият ва қадриятлари, менталитетга ҳар томонлама мос келадиган бутунлай янги тизим ҳуқуқ тартибот масканларига асос солиниши бу борадаги ислохотларнинг асосий натижаларидан бири ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳуқуқ тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлиги ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида юксак натижаларга эришилди. ҳуқуқ

тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлиги ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш фаолиятини батафсил ўрганиш аввало, жамоат тартиби ва жамоат жойлари тушунчасининг мазмунини ёритиб ўтилиши талаб қилинади.

Жамоат тартиби бу - фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни-қадр кимматини ҳамда умуминсоний қадриятларини ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими.

Қонун ҳужжатларида жамоат жойига аниқ таъриф ва ягона ёндашув бўлмаганлиги сабабли мутахассислар бу борада мунозара қилиб келадилар. ИИБ «Жамоат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасига жамоат жойлари тушунчаси ва таснифини киритди. Шу нуқтаи назардан ИИБ томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўлловчилар учун ишончли таянч нуқтаси бўлиши мумкин. Унда “Жамоат жойи” деганда тўсиқсиз кириш (бўлиш) учун очиқ бўлган, ёхуд фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган жойдаги участкалар, бинолар, хоналар, иншоотлар, уларнинг қисмлари, шунингдек транспорт коммуникацияларини тушуниш таклиф этилган. Жамоат жойлари таснифи эса уларнинг очиқ бўлиш вақти мезонига асосланган:

- Доимий тусдаги – ҳудудда фуқароларнинг доимий бўлиши ёки доимий бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгиланмагани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд бўлиши билан таснифланади. Булар – транспорт магистраллари, кўчалар, турар жой даҳалари, маҳаллалар, мавзелар, микрорайонлар ҳудудлари, аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари ва ҳ.к.;

- Вақтинча тусдаги – фуқароларнинг вақтинча бўлиши ёки вақтинча бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгилангани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд эмаслиги билан таснифланади. Уларга хиёбонлар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, савдо, кўнгилочар, савдо-кўнгилочар комплекслари ва марказлари, гипермаркетлар, супермаркетлар, бозорлар ва фуқаролар оммавий тўпланадиган бошқа жойлар ва ҳ.к. киради;

- Бир марталик тусдаги – оммавий жамоат, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ишлар ва тадбирларни, шу жумладан улар оммавий бўлган пайтда тантанали тадбирлар, диний маросимларни ўтказиш пайтида оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар ва жойдаги алоҳида участкалар .

Жамоат тартибига қарши ҳуқуқбузарликлар, айниқса, безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу

ҳуқуқбузарликни олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу норматив ҳужжатлар асосида жамоат тартибини сақлаш ва жиноятларни олдини олиш шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий асос яратилди.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган безорилик жинояти ижтимоий хавфлилиги жиҳатдан жамоат тартибига жиддий таҳдид солади. Безорилик жинояти жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини ҳамда жамоат осойишталигини бузади. Шу билан бирга мазкур жиноят содир этилиш натижасида фуқароларнинг соғлигига, мулкига ва умум эътироф этилган ахлоқ нормаларига путур етказди.

Майда безорилик ҳуқуқбузарлигининг бевосита объекти жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объекти эса шахсларнинг соғлиги ва мулкий муносабатлар ва бошқалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг безориликка оид суд амалиёти ҳуқуқидаги 2002-йил 14-июндаги 9-сонли қарорида таъкидланишича безорилик - жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш, дўппослаш баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда қонунларга, ахлоқ-одоб нормаларига, жамиятда мавжуд бўлган урф-одат ва ананаларга ҳурматсизлик тушунилади.

Безорилик жинояти билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланган менсимаслик майда безориликдан бир қатор хусусиятларига кўра ажралиб туради. Майда безорилик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида келтирилган бўлиб унга кўра ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан сўкиниш беҳаё қилиқлар кўрсатиш ёхуд одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталиги бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланади. Бунда жиноят кодекси 277-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар, шахсни уриш дўппослаш баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш, ёки нобуд қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бўлмаслиги лозим. Бундан ташқари, гуруҳ бўлиб содир этилаётган майда безорилик башарти, уларнинг ҳаракатларида безорилик жинояти таркибидаги жиноий оқибатлар бўлмаслиги лозим. Агарда майда

безорилик ҳаракатлари давом этиб айбдорнинг кейинги ҳаракатларида шахсни уриш, дўппослаш, баданга энгил шикаст етказиш ёки мулкни қасддан nobуд қилиш ёки шикаст етказиш анча миқдорни ташкил этса шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан жиноий жавобгарликка тортилади. Жамоат тартибини қўпол равишда бузиш қуйидагича, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ва жамият манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар ёки жамиятда қонунлар билан ўрнатилган тартиб ёхуд умумийтироф этилган ахлоқ нормаларини айбли равишда бузишда ифодаланган ҳаракатларни содир этиш тушунилади. Масалан маданий, диний ёки бошқа оммавий тадбирлар ўтказилишининг бузилиши фуқароларга сабабсиз тажовузкорона қўполлик, сурбетлик қилиш ва бошқа шу кабиларда ифодаланади.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳуқуқ-атворнинг мавжудлиги ҳар қандай жисмоний ҳамда юридик шахс манфаатларига зарар етказишда ифодаланган ҳаракатлар менсимаслигининг юқори даражасини ўзида акс эттиради. Бундай ҳаракатлар айбдорнинг ҳаракатлари субъектив мотив юзасидан аниқ муайян бир шахсга йўналтирилмайди балки ҳар қандай нотаниш шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Безорилик ҳуқуқбузарлигини келиб чиқиши сабаблари ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда аввало, безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этилишга ундаган сабабларни аниқлаш учун ҳуқуқбузар шахсни ўрганиш лозим. Зеро, бугунги кунда безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этган шахсни турмуш тарзи ва яшаш шароити, оилавий аҳволи ҳамда касб-кори ва бошқа хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир шахс оила ва жамиятдаги тарбия натижасида шаклланади. Безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этган шахсни ўрганиш унинг ижтимоий-демографик белгилари асосида, таснифлаш асосида амалга оширилиши мумкин. Ижтимоий демографик белгилари жинси, ёши, оилавий аҳволи ва ижтимоий ҳолати, маълумоти ташкил этади. Аҳоли ижтимоий фаоллигини аниқлаш, жиноят содир этган шахснинг ўзига хос хусусиятларини кузатишга ёрдам беради. Безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этганлар орасида қўпчиликти эркалар ташкил этади, бироқ аёллар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик салмоғи ҳам аввалги йилларга нисбатан ортиб бормоқда. Суд ишларининг таҳлилига кўра безорилик ҳуқуқбузарлиги учун ҳукм қилинганлар орасида эркалар 94%ни, аёллар эса 6%ни ташкил этган. Безорилик ҳуқуқбузарлигини бу қадар кўп содир этилиши бир қатор омилларга боғлиқ. Эркалар ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойиллигининг устунлиги ва уларнинг бошқалар олдида ўзини кўрсатиб қўйишга интилиши жамоат жойларида

аёлларга нисбатан кўпроқ бўлиши, уларнинг маст ҳолатда бўлганда ўзларини тута олмасликлари сабаб бўлади.

Безорилик ҳуқуқбузарликлари, жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар субъекти сифатида кўпроқ ёшлар намоён бўлади. Шахснинг ёши билан боғлиқ жиҳати, унинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатига, ички дунёсига ўз таъсирини ўтказди ва уларнинг хулқ-атвори ўзгарувчан бўлади. Шу боис безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этган 16-30 ёшдаги шахслар безориликнинг субъекти сифатида жавобгарликка тортилганлар. Бу ёшдагилар ўрганилган умумий ҳуқуқбузарлик ишларининг 62%ни ташкил этган. 30-40 ёшдагилар умумий ҳуқуқбузарлик ишларининг 17%ни ташкил қилган. 40-50 ёшдагилар эса 11%ни ташкил этган. Ўрганилган ҳуқуқбузарликлар ишлари бўйича бирорта ҳам 60 ёшдан ошган шахслар безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этмаганлар. Бундан кўриниб турибдики, ҳудуд профилактика инспекторлари асосан бу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда энг аввало, ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга алоҳида эътиборини қаратиши лозим.

Бунда биринчи навбатда, мактабларда ва литсейларда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар, унинг оқибатлари ва жавобгарлик масалалари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим. Бундан ташқари, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан яқка тартибдаги профилактик тадбирларни ўтказиш ва ота-оналари ва уларни урнини босувчи бошқа яқинлари билан тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда, тилхатлар олиш ва расмий огоҳлантириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги чора-тадбирлардан яна бири шуки бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши сабаблари ва унга имкон бераётган шарт шароитларни бартараф этиш тўғрисида корхона, муассаса ва ташкилотларга тақдимномалар киритиш лозим.

Аёллар томонидан содир этилаётган безорилик ҳуқуқбузарлиги 20-30 ёшларда содир этилиб, бу ёшдаги аёллар салмоғи 86% ни ташкил этган. Безорилик ҳуқуқбузарликларини содир этган аёлларнинг 14% эса 30-40 ёшдаги аёллар бўлган. Буни, аёллар бўш вақтларини яқинлари билан бирга хийбонларда, кўчаларда ва кафе-барларда ва бошқа кўнгилочар жойларида ўтказишлари билан изоҳлаш мумкин. Бунда профилактика инспекторлари жамоат жойларида ва ушбу турдаги масканларда доимий назоратини кучайтиришлари алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда уларнинг оилавий шароитини, турмуш тарзини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни кенг жамоатчилик асосида тарбиявий таъсир кўрсатиш ва оиладаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриши керак бўлади. Профилактика инспекторлари ушбу турдаги аёлларнинг ишсизларига, бўш иш жойларини аниқлаши ва уларни ишга

жойлаштириш чораларини кўриши лозим. Профилактика инспекторлари шу мақсадда тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларга бўш иш ўринлари борлигини аниқлаш ва уланинг мутахассислиги бўйича жойлаштириш чораларини кўриши лозим.

Бундан ташқари, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги асосан саводсизлик, билим даражасининг пастлиги, ақлий қолоқлик билан боғланган ўта соддалик, содир этилгадиган безорилик ҳуқуқбузарлигини келтириб чиқарувчи омиллари бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳуқуқбузарликни асосан саводсиз маданий жиҳатдан қолоқ кишилар, бошқаларга нисбатан зўравонлик таъсирида кўпроқ содир этишади. Бу эса аксарият ҳолларда, ўз навбатида уларни жабрланганлардан жавоб реакцияси сифатида соғлиқларига зарар етказишига олиб келади. Ҳар томонлама қолоқлик криминоген вазият ва унинг оқибатларини ҳаққоний баҳолашга тўсқинлик қилади. Аксарият ҳолатларда бундай ҳуқуқбузарликлар жамоат жойларида содир этилади.

Безорилик ҳуқуқбузарлиги – асосан ахлоққа зид хулқ-атвор ёки айбдорда агрессия, ғазаб ва бошқа салбий эмоциялар ва ҳолатларни кучайтирувчи ғайриқонуний хулқ-атвори сабаб бўлади. Безориликда қасд баъзан кўрқитиш, жисмоний зўрлик ишлатиш, дўп-послаш, таҳқирлаш, ҳақорат қилиш, кўпол ёки шафқатсиз муомалада бўлиш, моддий зарар етказиш ва ҳоказолар таъсири остида вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарлар ва жабрланувчиларнинг айнан шу икки гуруҳга мансуб бўлган ёшда бўлганликлари профилактика ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда. Шунингдек, безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этишда айбдор бўлган ва жабрланганларнинг маърифий маълумотлари қуйидагича нисбатларга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-209-сон Фармони.

4. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.
5. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.
6. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va etakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
7. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.
8. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.
9. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.
10. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.
11. Таштемиров А. А. и др. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги //Innovative achievements in science 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 37. – С. 82-90.